

2. Новая редакция закона Республики Узбекистан «Об органах самоуправления граждан» от 14 апреля 1999 г. //Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1999. № 5. – 110 с.
3. Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений в некоторые законодательные акты в связи с совершенствованием выборов председателя (аксакала) схода граждан» от 15 октября 2018 г. //Народное слово, 16 октября 2018 г. – 1 с.
4. Новая редакция закона Республики Узбекистан «О выборах председателя (аксакала) схода граждан» от 15 октября 2018 г. // Народное слово, 16 октября 2018. – С. 1-2.
5. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию института махали» от 3 февраля 2017 г //Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г. № 6. – 69 с.
6. На махаллинских выборах серьезных нарушений не было. – Сенат. //gazeta.uz/ru/2019/06/28/

УДК: 301

ЖАМИЯТ ҲАЁТИ ВА МАЪНАВИЙ МУҲИТ

ЖИЗНЬ ОБЩЕСТВА И ДУХОВНАЯ СРЕДА

SOCIAL LIFE AND SPIRITUAL ENVIRONMENT

Ахмедов Хусниддин

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Малака ошириши маркази директори ўринбосари, с.ф.д.

Аннотация. Мақолада “маънавий ҳаёт” ва “ижтимоий муҳит” тушунчалари тавсифланган. Унда маънавий муҳитнинг турлари – реал ва виртуал муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари, бир-биридан фарқи, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида фикр юритилган. Ҳозирги ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган шароитда маънавий муҳит мураккаблашиб бораётгани, шунга мос равишда унинг инсон онги ва жамият ривожига таъсири ҳам турлича мазмунга эга бўлиб бораётгани таъкидланган.

Таянч сўзлар: жамият ҳаёти, ижтимоий муҳит, маънавий муҳит, маънавий кадриятлар, маънавий салоҳият, маънавий муносабатлар, реал маънавий муҳит виртуал муҳит.

Аннотация. В статье описаны понятия “духовная жизнь” и “социальная среда”. Обсуждаются типы духовных сред – особенности реальной и виртуальной среды, их различия и их значение в человеческой и социальной жизни. Отмечается, что в контексте современных информационных и коммуникационных технологий духовная среда становится все более сложной и, соответственно, ее влияние на развитие человеческого сознания и общества становится все более разнообразным.

Ключевые слова: общественная жизнь, социальная среда, духовная среда, духовные ценности, духовный потенциал, духовные отношения, реальная духовная среда, виртуальная среда.

Annotation. The article describes the notions of “spiritual life” and “social environment”. It discusses the types of spiritual environments - the peculiarities of the real and virtual environments, their differences, and their importance in human and social life. It is noted that in the context of modern information and communication technologies, the spiritual environment is becoming more complex and, accordingly, its impact on the development of human consciousness and society is becoming more diverse.

Key words: community life, social environment, spiritual environment, spiritual values, spiritual potential, spiritual relationship, real spiritual environment virtual environment.

Жамият ҳаёти ва маънавий муҳит масаласи замонавий ижтимоий фанларнинг муҳим тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Бу мавзунинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ масалалари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқ ва маърузаларида устувор вазифалардан бири сифатида тилга олинмоқда. Мамлакатимизда ёш

авлод тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши бу соҳанинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида янгиланаётган Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар буларнинг яққол ифодасидир. Жамият таракқиётида, юрт, миллат тақдирида ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги, интеллектуал салоҳияти муҳим ўрин тутди. “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавий ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишига интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”[1].

Илм-фанда маънавий ҳаётнинг шаклланиши, унинг сифати ва даражасини белгилашда ижтимоий муҳит ва шахс муносабатлари муҳим ўрин тутди, деб қаралади. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий муҳитни инсоннинг билим, тажриба ва кўникмаларини, хусусиятларини шакллантирувчи, моддий ва маънавий шарт-шароит ҳамда муносабатлар мажмуаси сифатида талқин қилишга асосланади. “Маънавий асосий тушунчалар изоҳли луғати”да таъкидлангани каби, ижтимоий муҳит кенг ва тор маънода икки турга – макромуҳит ва микромуҳитга бўлинади.

Кенг маънодаги макромуҳит ижтимоий-иқтисодий тизимни, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий институтлар мажмуаси, ижтимоий онг шакллари ва жамият маданиятини билдиради. Тор маънодаги микромуҳит эса инсон яшайдиган, таълим-тарбия оладиган, меҳнат қиладиган оила, мактаб, лицей-коллеж, олий ўқув юрти ва меҳнат жамоасини ўз ичига олади. Бу манбалар асосида “Жамиятнинг маънавий ҳаёти” тушунчасига таъриф берилса, мазкур тушунча шахс, миллат ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий муносабатлари, алоқа ва мулоқотлари мажмуасини ўзида мужассам этиб, ижтимоий ҳаётнинг муҳим жиҳатини акс эттиради.

Мазкур тушунча таркибидаги “маънавий” сўзи эса инсон, халқ ва жамиятнинг ҳаётий кадриятлари ва фаолиятини ифодалайди, одамзотнинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги асл моҳиятини англатади. Ўзбек халқининг “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Олма олмадан ўзоққа тушмайди”, “Онасини кўриб, кизини ол”, “От ўрнини той босар” каби мақолларида ижтимоий ҳаётнинг инсон онгу тафаккури, яшаш мезонларига қанчалик таъсир кўрсатиши назарда тутилган[3].

Яхши маълумки, шахс деганда, ижтимоий-маънавий, ахлоқий моҳиятни ўзида мужассам этган инсонни тушунамиз. Шахснинг шаклланиши биологик (насл-насаб), табиий муҳит, маданий муҳит, ижтимоий тажриба, инсонларо муносабатлар каби беш омил билан боғлиқ. Шахс ижтимоий муҳит, жамият аъзосига айланиб, унинг ҳаётидаги умумий тартиб-қоидаларга бўйсунishi билан бирга ўз индивидуал хусусиятларини сақлаб қолиши шахснинг ижтимоий муносабатлар маҳсули ва субъектига айлантиради. Шахснинг шаклланиши индивидларнинг ижтимоийлашиб бориш жараёнида амалга ошади.

“Маънавий ҳаёт” тушунчаси “маънавий” тушунчасидан ўсиб чиққан бўлиб, унинг ижтимоий моҳияти ва аҳамиятини янада оширади. “Маънавий” ҳақида қадимдан турли фикрлар билдирилган. Унинг мазмун-моҳиятини ёритиш учун ижтимоий-фалсафий, соф социологик нуктаи назардан ёндашилган. Бу мавзуга оид кўплаб таърифлар ҳам мавжуд. Масалан, “Маънавий асосий тушунчалар изоҳли луғатида”ги қуйидаги таърифни келтириш мумкин: “Маънавий (араб, маъно, маънолар мажмуаси) – моддий ҳаёт билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган ижтимоий ҳодиса”.

Албатта, бу таъриф жуда умумий бўлиб, унда маънавийтни моддий ҳаёт кадриятларидан ажратиб турадиган ўзига хос, специфик хусусиятлари тўлиқ акс этмаган. Бундай қарашдан фарқли равишда “Маънавий” Шарқ фалсафаси тарихида муҳим ўринга эга. Чунончи, буюк шарқ файласуфи Абу Наср Форобий инсоннинг инсон сифатида шаклланиши, камол топиши, ҳаёт неъматларидан тўла баҳраманд бўлиб яшаши учун унга ижтимоий ва маънавий муҳит кераклигини таъкидлайди: “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай яратилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун

инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади”[2]. Инсондаги ана шундай эҳтиёж унинг маълум маънавий-ахлоқий меъёрлар асосида яшашига сабаб бўлади.

Худди шундай юртимизда жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига хос шаклланиш ва ривожланиш тамойилларини амалга оширишда маънавий омилларга алоҳида аҳамият бериб келинади. Бунда маънавият бизнинг онгу тафаккуримиз, ҳис-туйғуларимиздан йироқ бўлмаган ва уларда акс этадиган ҳодисаларни билдирадиган фалсафий категория сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистонда “маънавият” тушунчаси ва у билан боғлиқ қадриятлар мустақилликдан кейин кенг тадқиқ этила бошлади. Бу борада Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби ўзига хос дастурий кўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Бу фундаментал асарда “маънавият” тушунчасининг шу пайтга қадар чуқур таҳлил қилинмаган илмий-назарий, амалий-методик масалаларига кенг кўламда ёндашилиб, уларга илмий таъриф ва тавсифлар берилган. Бугунги кунда ушбу йўналишда чоп этилаётган асарларда ана шу тавсифларга таянилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, ҳозирги кунда жамият ҳаётини оммавий ахборот воситаларисиз, ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ана шу воситалар жамият маънавий муҳитнинг маъно-мазмуни, унинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, Интернетнинг ижтимоий тармоқларидаги ахборотлар оқими, аҳоли, хусусан, ёшларнинг қалби, онгу тафаккурини ўзгартирмоқда. Шунинг натижасида инсон онгига таъсир кўрсатадиган “виртуал муҳит” пайдо бўлмоқда. Бу муҳитнинг таъсири баъзан реал муҳитдан ҳам кура кучлироқ бўлмоқда.

Реал маънавий муҳит деганда, биз ҳар куни шахсий эҳтиёжларимиз, ўқиш ёки хизмат тақозоси, ёки бошқа ҳаётий талабларга кўра дуч келадиган ҳаётий вазиятлар, воқеа-ҳодисаларни тушунамиз. Шу нуқтаи назардан, реал муҳитнинг ўзи оилавий муҳит, таълим муассасасидаги муҳит, маҳалла ва жамоатчилик муҳити, меҳнат жамоасидаги муҳит сингари шаклларга бўлинади. Реал муҳитни реал таъсир чоралари билан ўзгартириш, такомиллаштириш, аниқ мақсадга бўйсундириш мумкин.

Иккинчиси – виртуал маънавий муҳит. Бунга Интернет ва электрон шаклдаги, ахборот-коммуникация технологиялари орқали тарқатиладиган ахборотлар, бадий асарлар, ғоя ва мафкуралар мажмуи киради. Виртуал муҳитга бевосита таъсир кўрсатиш қийин. Чунки унинг шаклланиш манбалари, кучлари аниқ кўзга ташланмайди. Виртуал муҳитдаги салбий таъсирларга қарши курашда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган “Фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат” усули билан самарали кураш олиб бориш мумкин.

Фикримизнинг мантиқий давоми сифатида ёзувчи Аҳмад Муҳаммад Турсуннинг куйидаги фикрларини келтиришни лозим деб ўйладим. “Илмсизлик, жаҳолат бало-кулфати ўзини узоқ куттирмайди. Мусулмонлар қачон илмдан воз кечишса, золим қавмлар истибдодига учрашди. Эътиқодларига завола етди. Маънавиятлари, ахлоқлари топталди”[4] дея фикр билдирган. Ёшлар маънавий оламини юксалтириш, уларни она-Ватанга садоқат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш асосида баркамол авлодни вояга етказиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида рўй бераётган турли даражадаги муаммолар ёшлар тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Янгиланаётган Ўзбекистонда жамият ҳаётининг энг устувор вазифаларидан бири албатта ёшларнинг илм-маърифати, уларнинг тарбияси ва шу асосда маънавий муҳитни ижобий томонга янада такомиллаштириш давлатимизнинг диққат марказида турибди. Шу мақсадда бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни турли ёт ғоя ва мафкуравий хавф хатарлардан сақлаш, ёшларда ватанпарварлик, она-Ватанга дахлдорлик туйғусини шакллантиришдек юксак вазифалар турибди.

Бугунги ахборотлашув шароитида инсон табиати реал муҳитдан виртуал муҳитга, виртуал муҳитдан эса реал муҳитга ўтиш учун кизиқиш, иштиёқ мавжуд. Социологларнинг таъкидлашича, бу инсон табиатидаги хилма-хилликка интилиш, доимо янгилик излаш ҳамда реал муҳитдаги камчиликларни виртуал муҳит афзалликлари эвазига тўлдириш ва аксинча,

виртуал муҳитдаги камчиликларни реал муҳит афзалликлари ҳисобидан қоплаш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

Айниқса, глобаллашув кучайиб, маънавий кадриятларга эътиқод сусайган бир пайтда инсон реал муҳит манзараларидан толиқади, кундалик муаммолардан безор бўлиб қолади, бошқа олам истаб ўзини виртуал дунёга уради. Ҳозирги кунда дунёдаги айрим юксак тараққиётга эришган мамлакатларда бундай ҳолатлар кўплаб кузатилмоқда. Шу маънода, Ўзбекистонда моддий ва маънавий тараққиётни мутаносиб ҳолда ривожлантириш йўлидан қатъий борилаётгани эътиборлидир.

Бу вазият замонавий ижтимоий фанлар олдига янги вазифалар қўймоқда. Айниқса, интернет ва ахборот технологиялари асосида турли бузғунчи ғоялар таъсири ортиб бораётган ҳозирги кунда жамият ва инсон ҳаёти учун маънавият категорияси алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу жиҳатдан, ижтимоий адолат, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категориялари, одиллик, тўғрилиқ, ҳамма учун тенг ва баробар бўлган талаб ва тамойилларга оғишмай амал қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда жамият маънавий ҳаётида ҳуқуқий давлатчилик тамойили, социал давлатчилик хусусиятлари билан бирга такомиллашиб келмоқда. Шу аснода эркинлик, хавфсизлик ва мулкдорлик кафолатланади, ижтимоий тинчлик ва иқтисодий ривожланиш таъминланади, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида социал кафолатлар яратилади. Бу эса жамият аъзоларининг аксариятида маънавий фаоллиги туфайли фаровонликка эришиш имконини вужудга келтиради. Ўз навбатида бу, жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳаётидаги “миллий ўзлик”, “миллий ғурур”, “миллий кадрият” тушунчалари асосида инсонлар ҳаётини тубдан ўзгартириб, уларнинг фаолияти мезонига айланади. Айни вақтда жамиятда юксак маънавият тамойиллари қарор топиши кишиларнинг фикру зикрини ўзгартиради, соғлом муҳит учун пойдевор бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай жамиятда маънавият, маънавий муҳит ва маънавий тарбия ижтимоий тараққиётнинг муҳим манбаи эканлиги билан боғлиқ. Бугунги кунда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда ана шу ҳақиқатни ҳар томонлама теран англаган ҳолда иш олиб борилаётгани ва бу жараёнда маънавий муҳитни янада соғломлаштириш учун барчамиз бирдай масъул эканлигимизни ҳис қилмоғимиз зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2019. 27-б.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т., 1993. – 186 б.
3. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 186-187-б.
4. Турсун А. Тарозининг икки палласи. – Т.: Шарқ, 2019. 70-б.

ТОЛЕРАНТЛИК – ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ
МУҲИМ ФЕНОМЕНИ СИФАТИДА

ТОЛЕРАНТНОСТЬ – КАК ВАЖНЫЙ ФЕНОМЕН
СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ НАУК

TOLERANCE – ESSENTIAL PHENOMENON OF SOCIAL-POLITICAL SUBJECTS

Агабаев Шараф Курбанбаевич
ЎДЖУ муст. тадқ.

Аннотация. Мазкур илмий мақолада толерантлик феноменининг илмий таҳлили берилган бўлиб, унинг ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатлари ёритиб берилган. Толерантлик инсоният цивилизацияси тараққиёти давомида шаклланиб, тобора ривожланиб борди. Шунингдек, бугунги кунда толерантлик омилининг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари каби прогрессив тамойилларни рўёбга чиқаришидаги ўрни изоҳлаб берилган.

Таянч сўзлар: толерантлик, диний қарашлар, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, Марказий Осиё, ижтимоий муносабатлар, ҳаракатлар стратегияси.

Аннотация. В данной научной статье представлен научный анализ феномена толерантности и её социальные, политические и культурные аспекты. Толерантность формировалась и развивалась в ходе человеческой цивилизации. Также, раскрыто роль толерантности в реализации прогрессивных общественных идей, таких как строительство правового государства, гражданского общества и прав человека.

Ключевые слова: толерантность, религиозные взгляды, социально-политическая стабильность, Центральная Азия, социальные отношения, стратегия действий.

Annotation. This scientific article presents a scientific analysis of the phenomenon of tolerance and its social, political and cultural aspects. Tolerance was formed and developed in the course of human civilization. Also, the role of tolerance in the implementation of progressive social ideas, such as the construction of the rule of law, civil society and human rights, is disclosed.

Key words: tolerance, religious beliefs, socio-political stability, Central Asia, social relations, action strategy.

Кириш. Бугунги шиддат билан ўзгариб, янгиланиб бораётган дунёда ўзаро меҳр-оқибат, ишонч ва ҳамдардликка асосланган толерантлик омилининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Толерантлик ҳар бир муайян шахс, унинг фикри, нуқтаи назарини, ҳар қандай бошқа маданият, дунёқарашни, эътиқодни улар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга ҳозирликни англатувчи мураккаб феномен ҳисобланади. Шунингдек у бир бирига ўхшамаган инсонларни бирга ахилликда яшашга интилишидир.

Толерантлик (лотинча *tolerantia* – муроса, чидам, қабул қилиш) – ўзгаларнинг урф-одати, ҳаёт тарзи, қадрият ва дунёқарашига нисбатан бағрикенг муносабатда бўлишни англатувчи фалсафий-сиёсий термин[24]. Ҳозирги дунёда толерантлик ўта муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодийнинг глобаллашуви ва янада мобиллашуви, коммуникацияларнинг тез ривожланиши, интеграция ва ўзаро боғлиқлик, кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши ва бошқа омилар жамиятда толерантлик тамойилининг аҳамиятини янада кучайтирмоқда. Толерантлик тамойили ақидапарастлик ва ягона фикрни мутлоқлаштиришдан воз кечишни англатади ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларни тасдиқлайди. Бу тамойилга кўра, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим.